хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиклик таъминоти) хакини тўлаш ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 10 сентябрдаги 525-ф-сонли Фармойишига асосан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Дин сохасидаги маънавий-маърифий, таълим ишларини ва фаолиятни янада такомиллаштиришда ижтимоий кўмак ва имтиёзлар бериш тўғрисида» 2003 йил 22 августдаги 364-сон карорининг 3-бандини бажариш максадида Ўзбекистон Республикаси худудидаги диний ташкилотлар 2003 йилнинг 1 сентябридан бошлаб уларга кўрсатиладиган коммунал хизматлар (табиий газ, ичимлик суви, иссиклик энергияси, электр энергияси, телефон, окова сув ва маиший чикиндиларни ташиш)га тўловларни ахоли учун белгиланган тарифлар бўйича тўлайдилар.

## IV. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Истеъмолчи куйидаги хукукларга эга:

Ўз электр курилмаларини Корхона электр тармокларига техник шартларга мувофик улаш;

сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофик ўрнатилган тартибда электр энергиясини олиш;

электр энергияси етказиб беришнинг тўхтаениши ёки тўхтатиб кўйилиши сабаблари тўғрисида белгиланган тартибда ахборот олиш;

Корхонага истеъмол киладиган энергия хажмларининг ўзгартирилиши тўғрисида белгиланган тартибда таклифлар киритиш. Бунда энергиянинг Шартномадаги хажмини ўзгартириш бўйича таклиф мўлжалланаётган ўзгартиришдан олдин 10 кундан кечикмай (жорий ой тугагунгача) берилиши лозим. Бунда агар кўшимча шартномавий микдор сўраладиган бўлса кўшимча сўралган шартномавий микдорга аванс олдиндан хак тўланган такдирдагина ўзгартириш киритиш мумкин;

электр энергияси тўлик хажмда етказиб берилмаслиги ёки сифат кўрсаткичлари давлат стандартларига мувофик бўлмаган электр энергия етказиб берилиши окибатида етказилган зарарни белгиланган тартибда коплатиш;

Шартномани конун хужжатларига мувофик бир томонлама тартибда бекор килиш;

Шартнома бекор килганда фойдаланилмаган энергия микдори учун тўланган маблағни кайтарилишини талаб килиш;

энергия етказиб берилиши тўхтатилганда етказилган зарарни коплашни талаб килиш;

электр таъминоти Шартномасини тузишда ва бажаришда юзага келаётган низоларни хал этиш учун судга, монополияга карши давлат органига ёки бўйсунуви бўйича юкори органга (мансабдор шахсга) мурожаат килиш.

Истеъмолчи конун хужжатларига мувофик бошка хукукларга хам эга бўлиши мумкин.

4.2. Истеъмолчи куйидагиларга мажбур:

белгиланган энергия истеъмоли режимига риоя этиш;

фойдаланилган энергия учун ўз вактида хак тўлаш;

корхона фаолият тури ёки банк реквизитлари, телефон ракамлари ўзгарганда туман электр таъминоти корхонасига хабар бериш;

эксплуатация килаётган электр тармоклари, приборлар, электр курилмаларни зарур техник холатини саклаш, шунингдек, электр курилмаларини эксплуатация килишда хавфсизлик техникаси коидаларига риоя килинишини таъминлаш, Корхонага электр ускуналарининг носозлиги тўғрисида хабар бериш;

электр энергиясидан окилона фойдаланиш чора-тадбирларини амалга ошириш;

Энергия таъминоти корхонаси ва "Ўзэнергонастехция" конуний кўрсатмаларини ўз вактида бажариш;

Электр курилмаларининг тузилиши коидалари талабларини бажариш;

Энергия таъминоти корхонаси вакилининг хисобга олиш приборларини кўздан кечиришига белгиланган тартибда рухсат бериш;

йил мобайнида янгидан ишга туширилadиган электр курилмаларидан фойдаланиш бошланишидан камида бир ой олдин энергиянинг зарур микдори учун Корхонага буюртманома бериш;

келгуси йил учун энергияга бўлган эхтиёжни аниклашда энергияни электр тармокларидан узатишда, ишлаб чикариладиган махсулотнинг (ишлар турларининг) технологик жараёни ишлаб чикариш эхтиёжларига